


**2022-йил 3-чорак якунларига кўра
жамоатчилик фикри асосида
шакллантирилган тадбирларни
молиялаштиришга йўналтирилган
маблағлар тўғрисидаги ҳисоботини
тасдиқлаш ҳақида**



**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ
ВИЛОЯТИ УЗУН ТУМАНИ**

КЕНГАШНИНГ ҚАРОРИ

Узунтумани, Ўзбекистон қўчаси 7-уй. tel.: (+99876)44-73-545, uzun.t@exat.uz

2022 йил 14 - октябр
ҲОКИМЛИГИ

VI-49-137-8-118-K/22

Узун туман

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 28-августдаги “Буджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли ҳамда 2021-йил 13-апрелдаги “Буджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини

таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарорларига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021-йил 22-апрелдаги ПҚ-213-ИВсонли Қарори, шу бўйича халқ депутатлари туман кенгашининг 2021-йил 11-августдаги “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги ВИ-30-23-8-118-К/21-сонли қарори билан тасдиқланган намунавий Низомнинг тегишли бандлари ижросини таъминлаш мақсадида Халқ депутатлари Узун туман Кенгаши **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2021-йил 11-августдаги “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги ВИ-30-23-8-118-К/21-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг тегишли бандларига асосан 2022-йил 3-чорак якунларига кўра жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар юзасидан туман ишчи гуруҳининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2022-йил 3-чорак якунларига кўра жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар, яъни ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумотлар ва ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумот **1-иловага** асосан тасдиқлансин;

2022-йил 3-чорак якунларига кўра фуқаролар ташаббуси жамғармасидан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган (ғолиб деб топилган) тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлар тўғрисидаги маълумот **2-иловага** асосан тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати (Т.Атаханов) “Боботоғ тонги” газетаси таҳририяти (И.Бобоколонов) келтирилган **1-2-иловаларга** мувофиқ, шаклларда “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтириладиган маблағлар миқдорини ҳамда ушбу маблағлардан мақсадли ва самарали ишлатилиши тўғрисидаги маълумотларни “Очиқ бюджет” ахборот портали ҳамда туманнинг расмий вебсайтларига жойлаштириш вазифалари юклатилсин.

4. Юқорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан тегишли мансабдор

шахслар томонидан ҳар чорак якунида халқ депутатлари Узун туман Кенгашига ёзма ахборот киритиб борилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, туризм, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (А.Бакиев) зиммасига юклансин.

6. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси

Б.Б.Турсунов
















Халқ депутатлари Узун туман
Кенгашининг
2022 йил 14 октябрдаги
ВИ-49-137-8-118-К/22-сон қарорига
5-илова

Лойиҳа амалдаги қонунчиликга мувофиқ